

Табиий заҳираларни асраш ва тежаш - ҳар бир инсоннинг бурчидир!



Кейинги вақтларда табиий ресурсларни тежаб, улардан унумли фойдаланиш борасида тез-тез тўхталиб ўтилмоқда.

Дунё олимларининг таъкидлашича “Агар биз бугун табиий ресурслардан шу зайлда фойдалансак, яқин йилларда йирик экологик муаммолар гирдобида қолиб кетишимиз мумкин”.

Айни шу мақсадда, юртимизда энергоресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 16-апрел куни “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан энергоресурслар билан боғлиқ бир қатор янгиликлар жорий қилинмоқда, **хусусан:**

1. Майший истеъмолчилар учун ижтимоий меъёрлар белгиланди.

Қарор билан, 1 майдан бошлаб майший истеъмолчилар (*аҳоли хонадонлари*) учун қуидагича **ижтимоий (базавий) меъёрлар** киритилади:

электр энергияси – ойига 200 kWh'гача;

табиий газ (март-октябрь ойларида) – ойига 100 кубометргача;

табиий газ (ноябрь-февраль ойларида) – ойига 500 кубометргача.

Географик ва иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида иситиш мавсуми республиканинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда октябрь-февраль ойлари деб белгиланди.

2. 2024 йил 1 майдан янги тарифлар кучга киради

Электр энергияси учун

Майший истеъмолчилар учун тарифлар (1 kWh учун, ойига):

- 200 kWh'гача – 450 сүм (хозирда 295 сүм);
- 201 kWh'дан 1000 kWh'гача – 900 сүм;
- 1001 kWh'дан 5000 kWh'гача – 1350 сүм;
- 5001 kWh'дан 10 000 kWh'гача – 1575 сүм;
- 10 001 kWh'дан кейин – 1800 сүм.

Овқат тайёрлаш учун марказлашган ҳолда электр плиталари билан жиҳозланган кўп қаватли уй-жойлар ва ётоқхоналарда яшовчи майший истеъмолчилар белгиланган тарифларнинг 50 фоизи миқдорида тўлашда давом этади.

Хисоб-китобларга кўра битта хонадонда 11 турдаги электр жиҳозлари ишлатилганида бир ойда ўртacha 180 kWh энергия сарфланади.

Табиий газ учун

Иситиш мавсумида – ноябрь-февраль ойларида аҳоли хонадонлари учун табиий газ тарифлари (1 кубометр учун, ойига):

- 500 кубометргача – 650 сүм (хозирда 380 сүм);
- 501 кубометрдан 2500 кубометргача – 1500 сүм;
- 2501 кубометрдан 5000 кубометргача – 1950 сүм;
- 5001 кубометрдан 10 000 кубометргача – 2275 сүм;
- 10 001 кубометрдан кейин – 2600 сүм.

Хисоб-китобларга кўра битта хонадонда бир ойда ўртacha 500 куб/метр табиий газ ишлатилади.

Март-октябрь ойларида:

- 100 кубометргача – 650 сүм;
- 101 кубометрдан 2500 кубометргача – 1500 сүм;
- 2501 кубометрдан 5000 кубометргача – 1950 сүм;
- 5001 кубометрдан 10 000 кубометргача – 2275 сүм;
- 10 001 кубометрдан кейин – 2600 сүм.

3. Аҳолига фойдаланилган газ ва электр ҳақидаги маълумотлар ҳар ойда юборилади

2024 йил 1 июндан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ бўйича ойлик маълумот “базавий меъёр” ва ундан ортиқ ҳажмлар кесимида истеъмолчиларга юборилади.

4. Эҳтиёжманд оиласарга меъёрдан ортиқ ишлатилган электр ва газ учун пул берилади

Иситиш мавсумида (ноябрь - февраль ойларида) эҳтиёжманд оиласарга қуийдаги компенсациялар берилади:

- ноябрда 270 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам;
- электр ва газ бўйича базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги фарқ компенсация қилиб берилади:

газ учун - ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 250 куб метргача;

электр учун - ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 150 кВт соатгача.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидағи эҳтиёжманд оиласар учун тўловлар октябрь оидан бошлаб тўланади.

Эҳтиёжманд оила сифатида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” тизимиға киритилган оиласар тушунилади. “Маҳалла еттилиги” томонидан Ягона реестрга кирмаган эҳтиёжманд оиласарнинг эса қўшимча рўйхати шакллантирилади.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳам маҳаллалар кесимидағи эҳтиёжманд оиласар қўшимча рўйхатига ўзгартириш киритиши мумкин.

5. Эҳтиёжманд оиласар компенсация олиш учун “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилиши керак

Компенсация оловчи эҳтиёжманд оиласар ноябрь - март ойларида (ҳар ойнинг 15-санасигача) “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ёки маҳаллаларда фаолият юритувчи ижтимоий ходимларга мурожаат қиласи.

Бунда, аризада паспорт маълумотлари, абонент рақами ва телефон рақами кўрсатилади. Ариза берилган ойнинг 27-санасигача “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ билан биргаликда ўрганилади.

Ўрганиш натижаси асосида компенсация пуллари ариза берилган оидан кейинги ойнинг 27-санасигача эҳтиёжманд оиласарнинг пластик картасига ўтказиб берилади.

6. Пластик картаси бўлмаган эҳтиёжманд оиласарга карта бепул очиб берилади

Ҳокимликлар Халқ банки билан биргаликда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тақдим этилган рўйхатга мувофиқ 2024 йил 1 ноябргача банк пластик картаси бўлмаган эҳтиёжманд оиласар вакилига бепул асосда пластик карталар очиб берилишини таъминлайди.

Баҳодир Ашурев

Термиз туман адлия

бўлимни бошлиғи